



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 5 ” may

Қ-397 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани “Халқабод Мададкори” массиви “Янги-турмуш” маҳалласи ҳудудидан “ISLOMxon-BARAKA BALIQLARI” ишлаб чиқариш кооперативига озуқабоп экинлар экиш ва балиқ ховузи ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 06 ноябрдаги ПҚ-4005-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 26 апрелдаги 05-02/316-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 01 апрелдаги 01-05/114-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Жарқўрғон тумани “Халқабод Мададкори” массиви “Янги-турмуш” маҳалласи ҳудудидан “ISLOMxon-BARAKA BALIQLARI” ишлаб чиқариш кооперативига жами 3,49 гектар қишлоқ хўжалик харитасининг 802 ва 844-дала контурларидаги 1,3 гектар суғориладиган бўз ер майдони озуқабоп экинлар экиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи ва 821 ва 822-дала контурларидаги 2,19 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони балиқ ховузи ташкил этиш доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов